



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Илм олишга
чанқоқлик
ва иштиёқ
болада фақат
оила муҳитида
шаклланади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 19-sentyabr, shanba, 105 (23.385)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ҲАМ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ ҲАМ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ **2020 йил 24 сентябрь кuni соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин: Самарқанд шаҳар ҳокими Б.Облақулловнинг жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида;

вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи М.Хашимовнинг аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

вилоят Санитария ва осийишталик маркази раҳбари А.Бахрамовнинг коронавирус инфекцияси кириб келишининг олдини олиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида;

вилоят ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари О.Ходжаевнинг инвестицияларни жалб қилиш, инвесторлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалиётга кенг татбиқ этиш ишлари бўйича ҳисоботи тўғрисида;

ташқилий масала;
бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ.**

2020 йил 17 сентябрь

Вилоят ҳокими Э.Турдимов вилоятда электр энергияси ва табиий газ истеъмолчиларининг ҳисоб-китобини тўғри юритиш ҳамда тизим шифоқлигини таъминлаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилишда қайд этилишича, жорий йил 1 сентябрь ҳолатида вилоятда электр энергияси таъминотида 645 миллиард сўм дебитор қарздорлик мавжуд ва йил бошига нисбатан 162 миллиард сўмга ёки 33,5 фоизга ошган.

Жорий йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида 997,7 километр электр узатиш тармоқларини тортиш ҳамда 272 та трансформатор ўрнатиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача 410,2 километр электр узатиш тармоқлари реконструкция қилинган ва 232 та трансформатор ўрнатирилган.

Вилоятда электр энергияси ҳисобини

Табиий газ ва электр энергияси муаммолари қачон бартараф этилади?

юритиш, АСКУЭ тизимига ўтиш бўйича ишлар охирига етказилмаган. Ҳозиргача режадаги 825 минг 464 та автоматлаштирилган электр ҳисоблагичларининг 661 минг 681 таси, яъни 80 фоизи ўрнатирилган. Бу борадаги ишлар тизимли йўлга қўйилмаганлиги сабабли электр энергияси сарфидаги ҳисоб-китоблар тўғри юритилмаяпти.

АСКУЭ тизимига ўтишдан олдин электр энергиясининг 60 фоизини аҳоли истеъмол қилаётгани, қолган 40 фоизи улгуржи истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келарди, - деди вилоят ҳокими. - Бугунга келиб аҳолининг электр истеъмоли 60 фоиздан 30 фоизга тушди ва улгуржи истеъмолчиларнинг электр энергияси сарфи 70 фоизга етди. Аслида бу рақамлар муҳокамага сабаб бўладиган

жиддий масала.

Йиғилишда электр энергияси истеъмоли бўйича ҳисоб-китобни туман, маҳалла ва секторлар кесимида тўлиқ ўрганиш, бу каби камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўриш бўйича масъуллар белгиланди. Вилоятда электр энергиясини ҳисоблашининг автоматлаштирилган тизимга жорий йилнинг 1 октябрга қадар тўлиқ ўтиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, вилоят ҳокими табиий газ сарфи бўйича ҳам вилоятда вазият қониқарли эмаслиги, ҳисоб-китобда суиистеъмолчиликларга йўл қўйилаётганлиги ва соҳани назорат қилувчи "Нефгаз" инспекцияси ходимларининг иши бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этди. Бу борада ҳам ишларни тизим-

лаш ташкил қилиш, ҳар бир газ тақсимлаш пункти ҳисобини юритиш бўйича вазифалар белгиланди.

- Янги ҳисоблагичлар аввало, газ истеъмоли юқори бўлган ҳовилларга қўйилади, - деди Э.Турдимов. - Чунки бундай ҳонадонларда аксарият ҳолларда истеъмол қилинган газ ва электр ҳақи тўланмайди ва юзга келган қарздорлик барчага бирдек тақсимланади. Энди эгасиз газ ва электр деб эмас, ўғирланган газ ва электр деб юритамиз. Ҳисоблагич ўрнатишни раҳбарларнинг ҳонадонларидан бошлаш лозим.

Йиғилишда бундан буён ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари табиий газ ва электр энергияси тўловлари ҳамда бу борадаги ноқонуний ҳолатлар таҳлил этилиши белгиланди.

Жомбойлик 6 нафар "катта"нинг табиий газдан қарзи ҳам катта

Фойдаланилган табиий газ учун тўловларнинг вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли Жомбой туманида 10 миллиард 783 миллион сўм қарздорлик йиғилиб қолган. "Худудга Самарқанд" газ таъминоти филиали ва унинг Жомбой туман бўлими ушбу қарзларни ундириш учун зарур чоралар кўряпти.

Маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда огоҳлантириш, тарғибот ишлари олиб бориляпти.

- Уч кун аввал маҳалламиздаги табиий газдан қарзи бўлган 21 та ҳонадон аниқланиб, огоҳлантирилган эди, - дейди Гулистон маҳалласи раиси Жамшид Мирбобоев.

- Бугунги кунга келиб, банк орқали пул ўтказиш масаласида бўлган айрим тушунмовчиликлар сабабига 2 та ҳонадонда катта қарздорлик қолди. Бошқа ҳонадон эгалари тўловларни амалга оширди.

- Табиий газдан энг катта қарздорлиги мавжуд маҳал-

лалар билан ишлаяпмиз, ҳонадонма-ҳонадон қиряпмиз, - дейди туман газ таъминоти филиали аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар хизмати билан ишлаш бўлими бошлиғи Икром Рашидов. - Ачинарлиси, қарздорларнинг аксарияти мансабдор шахслар ва тадбиркорлар. 2 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача қарзи бор ҳонадон эгалари 28 нафарни ташкил қилиб, уларнинг 2 нафари мансабдор шахс, 4 нафари йирик тадбиркор экан. Аччиқ гап, огоҳлантиришдан сўнг улар тўловни амалга оширяпти.

Тумандаги 22 минг 616 ҳонадоннинг 9865 таси табиий газдан фойдаланади. Шу пайтга қадар 700 дан зиёд ҳонадонда замонавий "ақлли" ҳисоблагич ўрнатилади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 августдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида "темир дафтар"га киритилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга шу кунларда 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пули берилмоқда.

Моддий ёрдам – бола учун



Самарқанд туманининг Оқмачит маҳалласида яшовчи Машхура Расулованинг турмуш ўртоғи иккинчи гуруҳ ногирони ва рўзғори асосан пенсия пули ҳисобига ўтади. Оиланинг доимий даромад манбаи йўқлиги боис "темир дафтар"га киритилиб, доимий равишда ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

- Карантин пайтида учинчи сектор вакиллари, маҳалла ҳолимиздан хабардор бўлиб, озик-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам пули бериб туришди, - дейди М.Расулова. - Бугун маҳаллага чақириб, икки нафар фарзандим учун бир миллион сўм пул беришди. Болаларимга кийим-кечак оламан, рўзгорнинг камига ишлатамиз.

Туманининг учинчи сектори ҳудудидаги 15 маҳалланинг энг

катта ва аҳолиси кўп бўлган Оқмачит маҳалласида йил бошида 40 оила "темир дафтар"га киритилиб, уларга "Саховат ва кўмак" умум-халқ ҳаракати доирасида ёрдам кўрсатилмоқда, камбағалликдан чиқариш чоралари кўриляпти.

Ҳозиргача 9 оила "темир дафтар"дан чиқарилди. 31 оиланинг 77 нафар болаларига 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пули тарқатилди.

Биринчи секторга қарашли Оҳалик маҳалласида 694 ҳонадон бўлса-да бу ерда аҳолининг асосий қисми тадбиркорлик, яъни паррандачилик билан шуғулланиши туфайли эҳтиёжман оилалар бошқа ҳудудларга нисбатан кам. Шунинг учун маҳалладаги 5 оиланинг 9 нафар 16 ёшга тўлмаган фарзанди учун моддий ёрдам пули берилди.

- Президентимизнинг шу йил 26 августдаги қарорига кўра, туманимиз бўйича "темир дафтар"га киритилган ҳамда боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчи оилаларнинг ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган жами 5617 нафар болага 2 миллиард 808 миллион 500 минг сўм пул тарқатилмоқда, - дейди туман ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Искандар Комилов. - Ушбу жараённинг шаффоф, адолат мезонлари асосида амалга оширилиши учун секторлар, маҳаллалар ходимлари билан бирга жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилиб, маблағлар ўз эгаларига топширилиши таъминланмоқда.

А.ИСРОИЛОВ.

Пахтачи тумани деҳқонлари 8 минг 195 гектар майдонда ғўза парваришлаб, 25 минг тонналик "оқ олтин" хирмони бунёд этишни мақсад қилишган. Етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда сифатли йиғиштириб олиш мақсадида 155 та терим отряди тузилиб, 15 минг 949 нафар теримчи жалб этилади.

А.Алларов номли муқобил машина трактор парк ҳудудидаги "Баҳри дил далалари" уруғчилик фермер хўжалиги пахтакорлари баҳорда 60 гектар майдонда ғўзанинг «Султон» навини қадаганди.

- Гектаридан 34-35 центнер пахта олишни чамалаб турибмиз, - дейди фермер Баҳриддин Жўраев. - Ҳосил чўғи ёмон эмас.

Суратда: "Баҳри дил далалари" фермер хўжалиги раҳбари Б.Жўраев акс этган.

Абдумажид ХУСАНОВ.



Хитойдан пахта териш машиналари келтирилди

Айни кунларда вилоятимизда 75 минг 580 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда йиғиб-тегиб олишга тайёргарлик кўрилмақда. Кластер корхоналари томонидан замонавий пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникалари, тиркачалар келтирилмоқда.

Хусусан, Нарпай туманидаги "Мароқанд сифат" масъулияти чекланган жамияти томонидан Хитойдан 4 дона замонавий пахта териш машинаси, Туркиядан 20 дона трактор ҳамда 12 дона замонавий тиркама келтирилди.

- 2020 йил ҳосили учун 223 фермер хўжалиги билан контрактация шартномаси тузиб, 10 минг 762 гектар майдонда пахта етиштирдик, - дейди "Мароқанд сифат" МЧЖ директори Жаҳонгир Исमतов. - Мавсумда



33 минг 430 тонна соаноат хомашёси қабул қилиб, 10 минг тоннадан зиёд сифатли тола тайёрлашни режалаштирганмиз.

Маълумотларга кўра, 2019 ва 2020 йиллар давомида мазкур кластер корхонаси томонидан 54 миллиард сўм маблағ эвазига хориждан 127 та қишлоқ хўжалик техникаси, тиркама ва бутловчи механизмлар келтирилган.

А.ХУДОЁРОВ.

Нуробод туманидаги "Нурли она диёр" фермер хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Фермернинг пахта майдони кўп эмас - бор-йўғи 30 гектар. Шу ердан 62 тоннадан ортиқ пахта йиғиштириб олиниб, режа уддаланди.

2020 йил ҳосили учун тумандаги 31 фермер хўжалиги томонидан 632 гектар ер майдонида чигит экилган бўлиб, 1264 тонна пахта хомашёси топширилиши режалаштирилган.

Мамат ЎРУНОВ.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

Халқаро адабий танлов

онлайн тарзда ўтказилди

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Ўлмас Жамол хотирасига бағишланган халқаро адабий танлов онлайн тарзда ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари, Марказий Осие ёзувчи ва тарихчиларнинг "Янги овоз", "Дуние таланттары одағи" уюшмалари, "Сўғд вилоят Ўзбеклар жамияти" жамоатчилиги ташкилоти ва бир қатор веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ижодкорлар иштирок этди.

Яқинлари иштирок этди.

- Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур танлов бу йил карантин сабаб онлайн тарзда ташкил этилди, - дейди танлов ғолиби Шаҳриддин Умиров. - Бу каби халқаро танловларда бир неча йилдан бери иштирок этиб келаман. Мақсад ғолиб бўлиш эмас, балки дўстлар орттириш, бошқа миллат вакиллари ижоди билан танишиш, тажриба алмашишдир. Шоир Ўлмас Жамол хотирасига бағишланган танлов миллатлараро тотувликни, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадбирда танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зухра ЭШОНҚУЛОВА.



Малака ошириш – масофадан

Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида жорий йилда 8850 нафар педагог ходимнинг малака ошириши режалаштирилган.

Карантин даврида пандемия шароитидан келиб чиқиб, халқ таълими педагог ходимларининг ўз касбий маҳоратларини узлуксиз ошириб бориш мақсадида онлайн тарзда масофадан малака ошириш йўлга қўйилди. Таълим тизимининг фавқулодда бошқа бир шаклга ўтиши, бутун дунёда бўлгани каби республикамиз таълим тизимини ҳам янги шароитларга мослашишга мажбур қилди.

- Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда тингловчилар курсларга сўровномалар асосида қабул қилинди, - дейди вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори Аъламжон Ибрагимов. - Онлайн дарслар белгиланган вақт асосида, Zoom платформасида олиб борилмоқда. Ушбу платформа тингловчиларга бир вақтнинг ўзида онлайн конференция, семинар ва маҳорат дарсларида иштирок этиш имкониятини яратди.

Бугунги кунда вилоятда 20 йўналишда 1015 нафар педагог ходим онлайн малака ошириш курсларида қатнашмоқда. Яқиний аттестация синовлари ҳам масофадан онлайн тарзда амалга оширилади.

Ўз муҳбиримиз.

Скрининг марказида

нафақат жисмоний, балки наслий касалликлар ҳам аниқланяпти

ХАВФ ГУРУҲИДАГИ ОНАЛАР КИМЛАР?

Самарқанд вилоят она ва бола скрининг марказига кириб борарканман, бу ерда олдинги йиллардагидек катта навбатлар йўқлиги эътиборимни тортди. Ҳар бир мутахассис эшиги ёнида 4-5 нафар бўлғуси оналар навбат кутмоқда.

- Олдинги йилларда битта скрининг маркази бутун вилоят аҳлига хизмат кўрсатарди, оналарни қабул қилишда навбат кўпайиб кетар, ноқулайликлар бўларди, - дейди Самарқанд вилоят она ва бола скрининг маркази директори Ҳусайн Бўриев. - Ҳозирда барча туман ва шаҳарлардаги тиббиёт бўлимларида перинатал диагностика хоналари ташкил қилинган. Ушбу хоналар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бирламчи, иккиламчи, учинчи текширувлар ҳудудларнинг ўзида амалга оширилади. Шифокор ва ҳамшираларнинг барчаси шу йўналишда малака оширган. Фақатгина хавф гуруҳидаги аёллар текширув учун вилоят она ва бола скрининг марказига келади. Ушбу гуруҳга 18 ёшгача ёки 35 ёшдан юқори бўлган, қариндошлар ўртасидаги никоҳдаги, фарзандлари орасида ногиронлиги, ҳомилиси нобуд бўлган оналар кирилади.

Йил бошидан буён 27 минг нафар ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказдик. Уларнинг 378 нафаридан нуқсонлар аниқланиб, ҳомиладорлик тўхтатилиши тавсия этилди.

НУҚСОН ҲАҚИДА АЙТСАК, ИШОНИШМАЙДИ...

- Марказда юздан ортқ нуқсонларни аниқлаб, бу ҳақда бўлғуси оналарни хабардор қилиш имкони бор, - дейди марказ шифокори Миртаълими Пардаев. - Жумладан, юрак-қон томир, таянч ҳаракати тизимларидаги нуқсонлар, қуёнлаб, бўри танглай, ортқича аъзоларнинг мавжудлигини аниқлаш мумкин. Ушбу нуқсонларнинг барчасида ҳомиладорликни тўхтатиш тавсия этилмайди. Масалан, юракдаги баъзи хасталиклар, қуёнлаб, ортқича аъзоларнинг мавжудлиги каби мамлакатимизда ҳам даволаш имкони бор касалликлар аниқланганда бу ҳолат оналарга тўшунтирилади.

Аммо баъзи аёллар даволаш имкони бўлган қуёнлаб аниқланганда ҳам ҳомилини олдиришга ҳаракат қилади. Баъзи оналар эса жиддий нуқсонлар айтилганда ҳам сўзларимизга ишонишни исташмайди. Яқинда вилоятда сиам эгизаклари туғилиши билан боғлиқ ҳолат бунга яққол мисол бўла олади. Қуни кеча шунга ўхшаш яна бир воқеа содир бўлди. Ультратовушли текширувдан ўтган жиззахлик ҳомиладор аёлга «ҳомиланинг бош қисми, яъни мия ривожланмаган, даярли йўқ», десак ишонмади. Ваҳоланки, ўз вилоятида ҳам мутахассислар унга бунни айтишган. Аммо бизнинг гапларимиздан кейин аёл барибир иккиланиб кетди. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, биз ҳеч бир онага ҳомилини тўхтатишни мажбурлай олмаймиз. Аниқланган нуқсон ва унинг оқибатлари ҳақида батафсил маълумот берамиз, холос. Охириги қарорни онанинг ўзи қабул қилиши шарт.

Кейинги йилларда юракдаги нуқсонлар



ҳам ота-онага айтиляпти, аммо уни операция йўли билан даволашнинг имкони борлиги учун бу ҳақда тушунча берилди.

НАСЛИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ИМКОНИ ПАЙДО БЎЛГАН

- Ўтган йили марказда цитогенетик лаборатория иш бошлагани учун эндиликда вилоятимизда ҳам наслий касаллик билан туғилган чақалоқларни ўз вақтида аниқлаш имкони пайдо бўлди, - дея суҳбатни давом эттиради Ҳ. Бўриев. - Ушбу лаборатория ҳудудий ҳисобланиб, Сурхондарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Чақалоқ пайти шифокорлар кўригидан ўтганда наслий касаллик белгилари кўзга ташланса, бу гўдақлардан таҳлил олиниб, текширилади. Шу йилнинг ўзида 80 нафарга яқин 14 ёшгача бўлган болалар таҳлиллари мазкур лабораторияда текширилди. Уларнинг 31 таси инкор қилинган, яъни касаллик аниқланмаган бўлиб, 20 нафаридан ДАУН синдроми, 4 нафаридан бошқа ирсий хасталиклар тасдиқланди.

Кейинги пайтда қариндошлари «фарзандларимиз никоҳдан ўтапти, уларнинг боласи ногирон туғилмасмикан, текшириб беришнинг иложи борми», деб мурожаат қилишяпти. Улардаги қон таҳлилидан у ёки бу ҳолатни аниқлаштириш мумкиндир, аммо ирсий хасталикларни тўлиқ аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун қариндошлар ўртасидаги никоҳга розилик бермаслик лозим.

Она ва бола скрининг маркази маълумотларига кўра, ўтган йилнинг 8 ойида вилоятда 98 нафар гўдақлар нуқсон билан туғилган бўлса, бу йил уларнинг сони 84 нафарни ташкил қилди, 34 нафари ногирон. Дарвоқе, нуқсонли болаларнинг барчаси ногирон дегани эмас. Нуқсон - инсоннинг нормал фаолияти учун салбий таъсир кўрсатмайдиган камчиликлар бўлса, ногиронлик инсоннинг нормал ҳаракатланиши, яшashi, фаолиятига тўсиқ бўладиган ҳолатлардир.

Умуман, ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олишда скрининг маркази ўз функциясини бажариши баробарида бўлғуси оналарнинг, таъбир жоиз бўлса, оилаларнинг келажагига таъсир ўтказувчи муассаса ҳамдир. Зеро, оиладаги бир нафар ногирон фарзанд шу оиланинг ҳам маънавий, ҳам моддий ҳаётига умр бўйи турли даражада таъсир кўрсатиб келаяверади.

Гулруҳ МҶМИНОВА.

МАКТАБЛАР бугун тайёр, қишга-чи?

Мактабларда бу йил пандемия сабаб янги ўқув йилини бошлаш бироз ортага сурилди. Аввалига мактабларни анъанавий тарзда бошлаш учун ота-оналар ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўнгра жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари рухсати билан мактаблар очиладиган бўлди. Мактабларнинг янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ўрганиш мақсадида Самарқанд туманидаги айрим мактабларда бўлди.

Бугунги кунда туманда 54 мактаб бўлиб, 19 тасида анъанавий дарслар бошланди. Мактабларда ҳозирча 1-4-синф ўқувчилари ўқитиляпти. Юқори синф ўқувчилари босқич-ма-босқич анъанавий дарсларга қамраб олинади.

- Бошланғич синф ўқувчиларига дарслар соат 8:00 да бошланиб, 11:30 да тугайди, - дейди 33-умумий ўрта таълим мактаби директори Мамлакат Равшанова. - Синф хоналар бир кунда 4 марта дезинфекция қилинади. Туман халқ таълими бўлими пирометр, антисептик воситалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун тиббий ниқоблар берди.

Ҳақиқатан ҳам мактабда барча шарт-шароитлар мавжуд. Мактаб ҳомиёлар ёрдамида таъмирдан чиққан. Бошланғич, ўрта ва юқори синф ўқувчилари алоҳида эшиклардан кириб чиқади. Кириш жойида ва ҳар бир синфда пирометр, антисептик воситалари бор. Бундан ташқари, ўқувчилар-

нинг масофа сақлаши учун ҳар бир синф ўқувчилари иккига бўлиб ўқитиляпти. Бошланғич синфларда 611 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг 91 нафари онлайн тарзда, қолгани ота-оналар истагига кўра, анъанавий дарсларда қатнашяпти.

Тумандаги 37-умумий ўрта таълим мактаби 780 ўринга мўлжалланган бўлиб, 846 нафар ўқувчига эга. Мактабда ўзбек ва тожик тилида сабоқ берилади. Ушбу мактабда ўқувчиларнинг масофа сақлаши учун кириш йўлигидан 2 метрлик чиқиқлар бўлими пирометр, антисептик воситалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун тиббий ниқоблар берди.

Ҳақиқатан ҳам мактабда барча шарт-шароитлар мавжуд. Мактаб ҳомиёлар ёрдамида таъмирдан чиққан. Бошланғич, ўрта ва юқори синф ўқувчилари алоҳида эшиклардан кириб чиқади. Кириш жойида ва ҳар бир синфда пирометр, антисептик воситалари бор.

Бундан ташқари, ўқувчилар-



Улар ҳам икки синфга бўлиниб, ҳар бир партада 1 нафардан бола ўтириб тахсил олмақда.

Анъанавий дарсларга рухсат берилмаган мактабларни ҳам кўздан кечирдик.

- Маҳалламизда 6 нафар Covid-19 касаллиги билан даволанаётган бемор бор экан, - дейди тумандаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори Ашурбой Шомоҳмедов. - Шунинг учун мактабни 22 сентябрдан очишга рухсат беришди.

Ўрта Оҳалик маҳалласида жойлашган ушбу мактаб тоғ ён бағрида жойлашган бўлса ҳам интернет сифати яхши. Ўқувчилар истаса онлайн ўқиши мумкин. Таълим даргоҳи ҳомийлар ёрдами билан таъмирдан чиқарилган, барча шарт-шароит мавжуд. Очқик ва ёпиқ стадиони бор.

289 ўқувчига эга 32-умумий ўрта таълим мактаби ўтган йили капитал таъмирланган. Таълим олиш учун шарт-шароитлар етарли. Бирок, спорт зал ҳам, спорт майдони ҳам йўқ.

- Насиб бўлса, эртдан мактабимиз очилади, ҳозирча 1-8-синф ўқувчилари анъанавий дарсларга келади, - дейди мактаб директори Алишер Рустамов.

- Дарслар бошланғич синфлар учун соат 8:00 да, ўрта синфларда соат 8:30 да, юқори синфларда соат 9:00 да бошланади.

КЎМИР БЕРИЛМАГАН МАКТАБЛАР БОР

Туман мактаблари ўқув йилига тайёр, аммо куз-қиш мавсумига тайёргарлиги суст. Масалан, 33-мактабга 10 тонна кўмир берилган, аслида мактабни иситиш учун 95 тонна кўмир керак. 37-мактабга 7 тонна кўмир берилган, мактаб директорининг айтишича, қишдан чиқиш учун 35 тонна кўмир керак. 18 ва 32-мактабга ҳали кўмир берилмаган, бирига 20 тонна, иккинчиси 17 тонна кўмир керак.


Умуман, туман халқ таълими бўлими 34 та мактаб учун 810 тонна кўмир ва 615 тонна брикет олиши режалаштирилган. Қолган мактаблар табиий газ билан иситилади. Бугунги кунга қадар режадаги кўмирнинг атиги 138 тоннаси мактабларга тарқатилган, холос. Пандемия мактабдаги дарсларни кечиктиргани рост, аммо қиш мавсуми учун ҳамланадиган ёнилги кечикмаслиги лозим.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА, «Зарафшон» муҳбири.

Тепада ёнғоқ, пастда ерёнғоқ

Кўшработликлар ерёнғоқ етиштирганини эшитганмисиз? Бундан 3-4 йил аввал айни куз чоғида чангиб, қақраб ётадиган даштда бугун ерёнғоқ парваришланаётгани сабаб, катта ҳудуд яшилликка бурканган. Бу юмушни олмалиқлик деҳқонлар маслаҳати билан маҳаллий ишбилармонлар уддалади.

2017 йилда тумандаги "Оқтепа унмдор замини" фермер хўжалиги тасарруфидаги 247 гектар майдоннинг 114 гектарида ёнғоқзор барпо этилган эди. Хўжалик аъзолари кўчатлар



орасидаги ерни бўш қолдирмасдан картошка, сабзи, шолғом, помидор, бодринг, ошқоқоқ, қовун-тарвуз етиштириб келаётган эди. Бу йил ерёнғоқ ҳам экишди.

- Болалигимдан деҳқончилик ишлари билан шуғулланиб келаман, - дейди фермер Улугбек Биноев. - Аммо кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини туманимизда етиштириб бўлмайди, деб юрардим. Кўшработ ерларида ерёнғоқ ҳам етиштирса бўлар экан. Шу йил бунини синовдан ўтказиш мақсадида 13 гектар майдонда ерёнғоқ уруғини қададик. Ҳар бир гектарига 120 килодан эккан бўлсак, 3 тоннадан ҳосил олишни режалаштирганмиз. Тошкент вилоятининг Олмалик туманидан келган деҳқон оиласи бизга кўмаклашмоқда. Улар билан ҳамкорликда агро-техник тадбирларни вақтида бажариб келяпмиз. Октябрь ойида ҳосилни йиғиштириб оламиз.

Дилноза ҲАСАНОВА, Кўшработ тумани.

Бу факт

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида вилоятимизда жорий йилда умумий қиймати 92,2 миллион долларлик 74 та лойиҳа ишга туширилади ва 1142 та ишчи ўрни яратилади.

Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси ахборот хизмати.

ОЛАМ СИРЛАРИ. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Жаҳонгашта зоҳидлар

КИМСАСИЗ ОРОЛЛАРДАГИ РОБИНЗОНЛАР

Адабиёт ва кинематографиянинг энг машҳур жанрлари робинзонхонлик ҳисобланади. Бироқ денгизчиларнинг ҳақиқий ҳаётда кимсасиз ороллarga тушиб қолишига ишонувчи ўқувчилар жуда кам. Лекин ундай эмас.



КИМСАСИЗ ОРОЛДАГИ ГУСАР

Кимсасиз ороллarga тушиб қолган одамлар билан бўлган воқеаларда кўпинча Жанубий денгиз тасвирланади. Айниқса, россиялик Сергей Петрович Лисициннинг совуқ Охота денгизи қирғоғига тушиб қолиши азоб-уқубатларга дучор қилади. Ўспиринлигида С.Лисицин Гусар полки лейб-гвардиясида хизмат қилган, жанжалли дувалда жазаваси кўзиб, ҳарбий хизматни тарк этади ва 1847 йилда фуқаролик амалдорлигига тайинланади. Янги хизмат жойига Охота денгизи соҳили бўйлаб борилиши керак

эди. Кемада Лисицин маст бўлиб, капитан билан тортишиб қолади ва у Сергей Петровични қирғоқда тушириб кетади. Жой кимсасиз бўлгани учун раҳмдил йўловчилар унинг жамадони билан буюмлари, иккита тўппонча, гугурт, қоғоз, сийёҳдон ва ручка, озроқ егулик қолдиради. Энг хайратлиси, болаликдан хизматкорларга кўниккан азоб-уқубатларга дучор қилади. Ўспиринлигида С.Лисицин Гусар полки лейб-гвардиясида хизмат қилган, жанжалли дувалда жазаваси кўзиб, ҳарбий хизматни тарк этади ва 1847 йилда фуқаролик амалдорлигига тайинланади. Янги хизмат жойига Охота денгизи соҳили бўйлаб борилиши керак

лади. Ақл бовар қилмайди, вақт ўтиши билан у ўз Жумавойига эга бўлади. У кема ҳалокатига учраган Василий деган кимса эди. Тешилиб ичига сув кирган кемани тўлқин қирғоққа чиқариб ташлайди. Ундаги кўй, сигир ва ҳўкилар "робинзонлар" жонига оро қиради. Зоҳид сифатида Сергей ва Василий етти ой шу тарзда яшади. Уларни Россия империяси ҳарбий кемаси кутқариб олади.

Бироқ воқеа шу билан тугамайди. Охота денгизи соҳилида яшаганида Лисицин олтин ва мис рудаси қатлами аниқлайди. Орадан анча вақт ўтгач, у ўша яшаган жойига қайтиб боради ва жуда бойиб кетади.

"Мир новостей" (2020 й, 34-сон). Т.ШОМУРДОВ тайёрлади.

МАРВАРИД ЎҒРИСИ

Даниэл Дефодан кейин ҳаётдаги чинакам тарихий воқеаларга мурожаат қилиб, жуда кўп ёзувчилар робинзоншунослик мавзусига қўл ўрди. Сомерсет Моэмнинг "Немис Гарри" ҳикоясидаги воқеалар жудаям қизиқарли.

Ҳикоя асоси бечора бош қаҳрамон прототиби Генри Эльворт ҳаёти сюжетига қурилган. Унинг саргардонлиги 1884 йилда у яхтада Янги Гвинея ва Австралияни ажратиб турувчи Торресо кўрфазиди

маржон қоялар билан тўқнаш келганидан бошланади. Эльворт кимсасиз оролга чиқиб олади ва унғача сал олдин кема ҳалокатига учраган ўзининг эски таниши Луи Грекни кўриб ҳайратда қолади.

Шуни айтиш керакки, ёш кишилар унчалик қайғургани йўқ. Вақтларини балиқ тутиш, овчилик ва марварид териш билан ўтказадилар. Ҳатто уларга бундай ҳаёт ёқиб қолади. Уларга зоҳидона ҳаётларини тўққизинчи йилда тақдир тақозоси билан Жозеф де Паоло деган кимсанинг

келиб қўшилиши яшаш маромини бузадди. Бахтсизлик бўйича бу бетайин ҳамкасб ўзига бошпана берган зоҳидларнинг йиққан марваридларини ўғирлаб ордан қочади ва ёндан ўтаётган мустамлакачилар кемасига ўтиб кетади. Кўп ўтмай унинг кетидан Луи Грек ҳам шундай қилади. Фақат Эльворт Генри ўз принципларига содиқ қолади ва ихтиёрий равишда кимсасиз оролда яшашда давом этади. Унинг зоҳидона ҳаёти худди адабиётдаги Робинзон Крузоники сингари 28 йил давом этади.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2021 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларни қабул қилади.

06.02.03. - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси - 1 ўрин (PhD) ва 1 ўрин (D.Sc); 06.02.01. - Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини урчиштириш, селекцияси, кўпайтириш ва генетикаси - 1 ўрин (PhD); 06.01.08. - Ўсимликшунослик - 1 ўрин (PhD). (PhD) таянч докторантлар, (D.Sc) докторантлар ва мустақил изланувчилар сифатида талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: - институт директори номига ариза; - илмий маслаҳатчи (консультантнинг) ёзма розилиги; - маълумотнома; - меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

- олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (бакалавр ва магистр дипломи ёки фан номзоди дипломи ҳамда иловаси) нусхаси; - тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (D.Sc) докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси; - кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган шахсий варақа (таржимаи ҳол билан); - чоп этилган илмий мақолалари (журналларда (PhD) таянч докторантлар -камида битта), (D.Sc) докторантлар камида учта) ва тезислар (камида битта) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари; - паспорт нусхаси; - 4 дона 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилади:

- чет тили ва мутахассислик бўйича; - докторантурага ва мустақил изланувчиликка ўқиш учун киратган талабгорлар мутахассислик бўйича сўхбатдан ўтадилар. Ҳужжатлар шу йил 15 октябргача phd.mininnovation.uz сайти орқали ва институт манзилида қабул қилинади. Илк қабул қилинган таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчилар фаолияти улар билан тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошланади. МАНЗИЛ: 140103, Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти. Телефон: 66-233-32-79.

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

2021 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик шаклида ўқишга танлов эълон қилади.

Table with 4 columns: Ихтисослик шифри, Ихтисослик номи, Таянч докторантура (PhD), Фан доктори (DSc). Rows include Botаника, Зоология, Одам ва ҳайвонлар физиологияси, Қишлоқ ҳўжалиги ва мелиорация машиналари, Қишлоқ ҳўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш, Ўсимликшунослик, Хусусий зоотехния, Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш технологияси, Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси, Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси, Ветеринария санитарияси, экологияси, зоогиенаи ва ветеринар-санитария экспертизаси.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: - институт ректори номига ариза; - паспорт нусхаси; - қисқача биографик маълумотнома; - меҳнат дафтрасининг

белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун); - нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари; - олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки

олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси (таянч докторантура учун). Ҳужжатлар қабул комиссияси томонидан 15 октябргача институт бош биносининг илмий тадқиқотлар, инновациялар ва

илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлимида қабул қилинади. МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Самарқанд ветеринария медицинаси институти. ТЕЛЕФОН: 66-234-19-33.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

«SAM FERRE» хусусий корхонаси қуйидаги бўш иш ўринларига сўхбат ва танлов асосида ишга қабул эълон қилади:

- 1. Сотув ишлари менежери (иш стажисиз); 2. Мухандис-конструктор (иш стаж 2 йил); 3. Мухандис-технолог (иш стаж 3 йил); 4. Қўлда пайвандлаш электрогазпайвандчиси (иш стаж 1 йил); 5. Сертификация бўйича муҳандис (иш стаж 3 йил); 6. Ишлаб чиқариш мудири (иш стаж 10 йил).

Мурожаат учун телефон: 91-551-03-77. Веб-сайтими: www.sam-ferre.uz Электрон почта: k.islamova@samferre.uz

Номзодлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва объективка - маълумотнома олиб келишлари лозим.



ҒИШТ ЗАВОДИ СОТИЛАДИ

Паст Дарғом тумани Гўзалкент кўрғонида жойлашган 2010 йилда қурилган, ҳозирда ишлаб турган ғишт заводи зудлик билан сотилади.

Умумий ер майдони 10 га., 24 камерали хўмдон, 45/45 пресс, 2 дона "HOWO" юк машинаси, 1 дона "CHANGLIN" погрузчик, 2 та айвон ва АБК биноси. Электр энергияси, сув иншоотлари мавжуд.

Мурожаат учун телефон: 99-438-82-24.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 603361094. *** Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 473478829. ***

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Гафуров Арзикул Алляровичга (2016 йил 10 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй. ***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Насриев Салага (1991 йил 18 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 80-уй. ***

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Сайфига (2005 йил 31 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи. ***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шуқруллаевна нотариал идорасида марҳум Султаниязов Хайдарбекга (2020 йил 15 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

қуйидаги кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

Компьютер инжиниринги факультети бўйича: Ахборот технологиялари кафедрасига: - ассистент - 1 ўрин. Компьютер тизимлари кафедрасига: - доцент - 1 ўрин. Дастурий инжиниринг кафедрасига: - ассистент - 1 ўрин. Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факультети бўйича: - ахборот таълим технологиялари кафедрасига: - катта ўқитувчи - 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: - филиал директори номига ариза; - ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақа; - олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломларнинг нусхалари; - илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхаси; - илмий ва услубий ишларининг рўйхати.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Шохрух Мирзо кўчаси, 47-«А» уй.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 16 августда 629981 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IRAN CITY" оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: "IRAN CITY" ОК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 18 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унға билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Али Қўшич кўчаси, 2-«А» уй. Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305705992. ***

Ургут туманидаги «URGUT TABAK» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 205049578) ўз устав фондиди 202 088 558 (икки юз икки миллион саксон саккиз минг беш юз эллик саккиз) сўмдан 145 708 983 (бир юз қирқ беш миллион етти юз саккиз минг тўққиз юз саксон уч) сўмга қайтаришмоқда. Шу муносабат билан унға билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Дўстлик маҳалласи, Почвон кўчаси. ***

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2015 йил 7 апрелда 21119 реестр рақами билан рўйхатга олинган Собирова Кибриё Махматраимовна яққа тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Собирова К.М. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 17 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан ўз иш фаолиятини ихтиёрий равишда тугатмоқда. Шу муносабат билан унға билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Ҳамро кўчаси, 2-йўлак, 4-уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 603361094. *** Жомбой туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 16 апрелда 712243 реестр рақами билан рўйхатга олинган «BIO LIFE CLINIC» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «BIO LIFE CLINIC» ХК) корхона ағона таъсисчисининг 2020 йил 17 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Шу муносабат билан унға билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Жомбой тумани Ш.Бурхонов кўчаси. Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306337414. ***

Самарқанд шаҳридаги «IMOMQULOV RUSTAM TOXIR O'G'LI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307618864) ўз номини «SANAM AYA» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда.

«SANAM AYA» масъулияти чекланган жамияти «IMOMQULOV RUSTAM TOXIR O'G'LI» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унға билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Панжакент кўчаси, 18-уй. ***

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 7 ноябрда 859910 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ҳакимов Алишер Каримджанович яққа тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Ҳакимов А.К. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда. Шу муносабат билан унға билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

ИНСОН ИМКОНИАТЛАРИНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Пандемия сабаб янги ўқув йили олий таълим тизимида буткул туб бурилиш ясади. 2020-2021 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари август ойида эмас, сентябрь ойида бўлиб ўтди. Тест синовлари ҳар галгидек ёпиқ биноларда эмас, очиқ стадионларда карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказилди.

Тест синовлари учун саволлар 2 та фандан тузилди. Аслида бу йилги тест синовлари учун 5 та фандан саволлар тузиш кўзда тутилаётган эди. Ижодий

имтиҳони бор йўналишларнинг айримлари фақат ижодий имтиҳон, айримлари тест тарзида олинди. Абитуриентларнинг олий таълим

муассасаларига ҳужжат топшириши ва тест натижаларини кўриши ҳам онлайн тарзда амалга оширилди.

Тест синовлари кеч ўтказилгани сабаб, юқори курсларга сентябрь ойидан янги ўқув йили учун масофадан дарслар бошланди. Аслида олий таълим муассасаларида жорий йилнинг 1 апрелидан талабалар масофадан ўқитила бошланди. Бошида бирмунча

қийиндек кўринган ушбу тизим янги ўқув йилидан анча соддалаштирилди. Биринчидан, талабалар масофадан ўқиш кўникмасига эга бўлди, иккинчидан ўқитувчилар платформага керакли ўқув адабиётлари, видео ва аудио дарсларни жойлаштириб бўлди. Онлайн ўқитиш тизимидаги кичик муаммолар янги ўқув йилига қадар бартараф этилди.

Янги китоб

Одатда тарихимиз ҳақида гап кетганда, аксарият адабиётларда теурийлардан чор Россияси босқинига қадар бўлган давр қора бўёқлар билан эсга олинади. Мустамлакачиларга қарши халқ озодлиги учун курашган миллат қаҳрамонларига "босмачилар", "халқ душмани" деган тамға босилди. Аслида тарихан катта бир даврнинг ўзига хос ютуқларидан кўз юмиш адолатданми?

"Ҳукмдорнинг буюк армони"

Ижодкор Саломат Маматқулованинг яқинда чоп этилган "Ҳукмдорнинг буюк армони" китобида тарихимизнинг бизга анча нотаниш бўлган даври ҳақида қизиқарли, таъсирчан воқелик асосли далиллар билан ёритилган.

Амир Олимхон Бухоро тахтини 1920 йилда ўзаро тенг бўлмаган курашларда душманга бой бериб юртини ташлаб чиқиб кетди. Асрлар давомида Бухорои шариф маркази бўлган катта бир мамлакатни бошқарган мангитлар сулоласининг забардаст вакили Амир Сайид Олимхонни босмачилар бошлиги, уларни қўллаб-қувватлаб турганлар халқ душмани деб онгимизга сингдирилди. Юрт озодлиги учун жонидан кечган Мадаминбек кўрбоши, Давлатманбек кўрбоши, мулла Абдулқаҳҳор кўрбоши, Муҳаммад Иброҳимбек кўрбоши номини эшитсангиз уларга нисбатан нафратимиз ошиди. Ҳолбуки, чин босқинчилар алдов ва фитналар воситасида юртимизни босиб олиб, бор-будимизни шилди, бой маданий меросимизни йўқотишга уринди.



Ота-боболаримиз ҳақида ўзгалар айтган уйдирмаларга, сохта ва ёлгон маълумотларга ишониб қолмай, бироз фикр қилсак, илмий далилларга, ҳақиқий тарихий фактларга таянса улар миллат манфаати, юрт тақдирини йўлида қилган хизматларининг ҳақиқий баҳосини беришга имкон туғилади. Кейинги авлодлар ҳам мустамлакачилар қўли билан ёзилган тарихга ишониб қолмай, буюк аждодларимиздан фахрланиб яшайдилар. Ушбу китобда мангитлар сулоласининг охириги ҳукмдори Амир Сайид Олимхоннинг қисмати, Ватанини асраб қолиш йўлидаги хизматлари ва ўтган асрнинг дастлабки йилларида халқимиз ҳаётида содир бўлган воқеалар тарихий фактлар асосида қаламга олинган.

Ғазилдин РЎЗИБОВ.



Жўлибой ЭЛПАЗАРОВ, "Ипак йўли" туризм халқаро университети биринчи проректори:

- Ўқитишнинг онлайн шакли ҳар қанча қулай бўлмасин, аънавий таълим ўрнини босолмайди. Асосий мақсадимиз - ҳатто пандемия шароитида ҳам ўқитувчилар учун қулай муҳитни сақлаган ҳолда юқори сифатли таълимни давом эттириш. Университетнинг янги биноси юқори тезликдаги интернет билан таъминланган, шунинг учун ўқитувчиларимиз барча имкониятлардан бемалол фойдаланмоқда. Онлайн дарсларнинг яна бир муаммоси интернет сифати билан боғлиқ. Интернет ёмон ишлайдиган ҳудудларда масофадан ўқиш имконияти камаяди. Бу каби муаммоларга ҳам олий таълим муассасалари ечим топмоқда.



Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институту ректори:

- Масофавий таълим билан қамраб олиш имконияти бўлмаган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи 95 нафар талабанинг рўйхати факультетлар кесимида шакллантирилди. Уларнинг ҳар бирига барча фанлардан тайёрланган "Намунавий онлайн курслар комплекслари" электрон тарзда етказиб берилади. Унинг таркибида электрон форматда видеомаъруза, электрон қўлланма (дарслик), тақдимот материаллари, тест топшириқлари, назорат саволлари ва бошқа ўқув материаллари жой олади.



Аҳмаджон СОЛИЕВ, Самарқанд давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори:

- Олий таълим муассасаларида номутохассислик фанлар дарс соатларининг 25 фоизини ташкил қилса, янги ўқув йилидан мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар 16 фоизга туширилди. - Қолган 9 фоиз дарс соатлари мутахассислик фанларига қўшилди. Фақат бундай тартиб 1-курс талабалари учун татбиқ этилади. Янги ўқув йили учун олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларининг якуний натижалари 24 сентябрга қадар эълон қилинади. 1-курсга қабул қилинган талабалар учун дарслар октябрь ойида бошланиши мумкин.

Х.ЭРНАЗАРОВА.



КУЗ - ПИШИҚЧИЛИК ФАСЛИ

Вилоятимизда 180 турдан ортиқ ҳўл, курук ва қайта ишланган мева-сабзавотлар дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатига етказиб бериляпти. Йилига 251 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти экспорт қилинмоқда.



Дуонинг хосияти

Отам (жойлари жаннатдан бўлсин!) мактабдан кейин ўқишга имконияти етмасдан уйсоз уста бўлиб яшадилар. Ҳозир ҳам Хатирчиға, Жизматға бориб, қишлоқдаги кексаларни зиёрат қилсам, «дўхтур, мана бу уйимизни отангиз уста Норман қурган эдилар, ҳалигача мустаҳкам» дейдиганлари топилади. Шундай пайтда ғурурланиб кетаман ва падари бузрукворимга муносиб бўлишга интиламман.



Отам гарчи ўқимаган бўлса-да, илм аҳли билан жуда яқин эди, уйимизга кўп таниқли зиёлилар келишарди. Бир муаллимнинг уйини тиклаётган пайтда ҳовлига алломасифат ҳамқишлоғимиз, профессор Ғайбулла ал-Салом келиб қолганлар. Отамнинг ишини кўриб, анча суҳбат қурган ва кейин «Сиз уйсозликнинг профессори экансиз» деб эътироф этганлар. Кейин уйимизда ҳам меҳмон бўлиб, дуо берганлар.

Бу ҳақида менга ғурурланиб гапирарди. Мен талабалик давримданок домланинг телевизор ва газеталардаги ҳар бир чиқишини иштиёқ билан кузатиб борардим, китобларини ўқирдим. Ичимда доимо бизга Ғайбулла ас-Салом дуо берган, деган фахр қувват бериб турарди ва ҳозир ҳам шундай. Дуо - эзгулик, дуо - маънавий қудрат. Авваламбор, дуоларга муносиб бўлайлик, дуоларнинг қадрига етайлик.

Зайниддин НОРМАН, Тошкент вилояти, шифокор.

Кизи ҳаётини ўй-хаёлларсиз тасаввур этиш қийин. Балки тушимиз уйқудаги хаёлларимиздир? Агар ўй-хаёллар чалғитиб турмаса, билмадим, одам зеркишдан нима қилган бўларди. Ҳаётимиз учун шунчалар аҳамиятга эга экан, нима у - хаёл, қандай пайдо бўлади? Мияда тутган ўрни, ақл билан муносабати нечоғли эканини биламизми? Гоҳида кишини хаёллар бошқариб турса керак, деган ўйга ҳам бораман. Лекин ақл деган тушунчани кўпроқ билганим учун хаёл ундаги бир жараён бўлиб туюлади менга. Мулоҳазалар фикримни шунчалар чалқаштириб юборадими, охири хаёлни мўъжиза - Яратганнинг ғаройиботларидан бири эканини тан оламан. Уни одамзотга ўз-ўзини ва оламни англаши учун берилган имконият, илоҳий неъмат дегим келади.

Чуқурроқ фикр юритилса, дарҳақиқат, инсонни хаёллари бошқариб турганига ишониш мумкин. Чунки амалга ошироқчи бўлган ҳар қандай ҳаракатимиз, аввало, хаёл кўзгусида гавдаланади. Бу оний лаҳзаларда рўй берса ҳам шундай экани маълум. Ҳатто тилга чиқармоқчи бўлган гапимиз ҳам биринчи навбатда кўнглимиздан ўтади. Кўпичча буни пайқаймайми. Майли, гап бунда эмас, мақсадимиз хаёл сурганда нималарга эътибор беришни тушуниш, холос. Хаёл суришнинг қандай кечилини аниқлаш эса фаннинг вазифаси. Инсон ҳолати миясида чарх урадиган ўй-хаёлларига боғлиқлиги тажрибада исботланган. Рухиятда содир бўладиган жараёнга инсон таъсирини кўрсатишга қодир экан. Яъни рухият аҳволимиз қандайлигини белгилайдиган бўлса, демак, уни ўзгартиришимиз, ҳолатимизни бошқаришимиз мумкин. Ҳамма гап бу имкониятдан қандай фойдаланишимизда.

Хорижда қизиқ бир тажриба ўтказилган. Газетага ходим кераклиги ҳақида эълон берган бир ташкилотга мутахассислиги тўғри келадиган 20 кишини икки гуруҳга ажратиб суҳбатга юборишган. Биринчи гуруҳга кирганларда тақлиф этилган ишга ўзларини олишга гумон, тўғрироғи ишга ё

келгани аниқланган. Бу тажриба ишга қабул қилишда эмас, ўзгалар фикрини билиш учун уюштирилган бошқа ўзаро муносабатларда ҳам синаб кўрилган, натижа эса бир хил, юқоридаги ҳолат такрорланган. Демак, шундай хулосага келинганки, кишиларнинг руҳий ҳолати ўзгаларга таъсир этибгина қолмай, кўнглидаги истакни амалга ошириши мумкин бўлган одамнинг ўзига хайрихоҳ бўлишига ҳам ундайдиган қандайдир боғлиқлик ҳам пайдо бўларкан. Халқ орасида ҳар гапга фаришта

Агар айтган гапимиз, ўйлаган фикримиз амалда содир бўлиши мумкин бўлса, нега яшашга бўлган муносабатимизни шунга мосламаймиз? Ахир барчамиз ҳаётимиз яхши бўлишини истаймиз-ку. Кунлар хурсандчилик билан ўтишини ким хоҳламайди? Кайфиятни ўй-хаёллар билан ўзгартириш мумкин экан, нега шу оддий усулни ўзимизда қўлламаймиз? Нега ҳолатимизга салбий таъсир этадиган ёмон хаёллар билан миямизни заҳарлашимиз керак? Ҳасад, ўзгани кўролмаслик, бошқаларга ёмонлик тиллаш каби жирканч хаёллар билан банд бўлган кишини унинг афт-ангоридан ҳам сезиш мумкин, унинг башараси тунд, нигоҳи сўниқ, ҳаракатлари суст бўлади. Ўзига ва бошқаларга эзгу ниятда бўлган кишилар қаерда бўлишми ярақ этиб кўзга ташланади. Чунки уларнинг юзидан нур ёғилиб туради, кўзларида ёрқин бир ўт бор, чақнаб туриши шундан, ҳатто бир жойда ўтирган бўлишса-да, уларнинг ҳаракатчан, тетик инсон эканлиги сезилиб туради.

Инсоннинг ҳолати унинг қандай хаёл сураётганини маълум қилиб турар экан, биз бехитёр яхши хаёллар оғушидаги инсонга ўхшагимиз келади. Келинг, мудом яхши нарсалар ҳақида хаёл суришни одат қилайлик. Кайфиятингизни кўтарадиган хотираларингиз бисёр, ўшаларни эсланг. Ёлғиз қолган дамларда ҳаётингизнинг энг фаровон дамларини хотирланг. Умрингизнинг янада завқли ўтишига замин тайёрлайдиган эзгу орзуларга берилинг. Агар шундай қилсангиз, ёмон хаёллар суриш одати сизни буткул тарк этади ва энди кўнглингизда ҳамма кечадагидан яхши ниятларингиз сизни эзгуликка, демак

камолот сари етаклайди. Мудом эсингизда тутинг, фақат эзгу ниятли кишилар бахтга эришганлар. Ҳуршид НУРУЛЛАЕВ.



ўтаман, ёки ўтмайман деган хавотир, айримларида эса, ҳатто мени бу иш жойига олишмайди, деган ҳадик бўлган. Иккинчи гуруҳ вакиллари эса маъмур бўш жой ўрнига аниқ мен ўтаман деган ишончда бўлган. Танлов якуни ҳайратланарли натижани кўрсатган, яъни биринчи гуруҳдагиларнинг бирортаси белгиланган ишга ўтишга лойиқ топилмаган. Иккинчи гуруҳдагиларнинг аксарияти эса тақлиф этилган ишга тўғри

омин дейди, деган гап юради. Ўйлаган нарса амалга ошади деб бежиз айтилмаган. Албатта, бирор иш билан машғул бўлсак, фикримиз бажараётган ишга боғлиқ бўлади. Дикқатимиз амалга ошираётган ишимизга қаратилган бўлса, меҳнатимиз баракали, аксинча чалғиса, унда унум бўлмайди. Демак, ишимизнинг қандай кечилиши ва қандай бўлиши ҳам хаёлларимизга боғлиқ бўларкан.

Zarafshon AMARKANDSKIY ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 10 624 нусخада чоп этилди. Бюролма 536. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАП ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Зарашон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ. Навбатчи: Г.МЎМИНОВА. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сотузда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X. QR code and barcode with number 9 772010 667009